

## ЛИЗИНГ КРЕДИТИ ВА ЛИЗИНГНИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ

*Саидов Саидбек Улузбекович*

*MOGO LEND хорижий корхонасининг операцион директори*

*Аннотация:* Лизингнинг кредит муносабатлари каби моҳияти кўп жиҳатдан, авваламбор, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда товар-пул муносабатлари ривожланиши оқибатида унинг керакли бўлганлиги билан изоҳланади. Бироқ, лизинг иқтисодий туркум каби назарий тушунчага эга бўлиши поғонасида кредитлаш шаклларида бири каби тавсифланишига бошқа бир аниқ белгиланган сабаблар мавжуд.

Биринчидан, лизинг кўпчилик ҳолатларда корхонанинг пул маблағлари ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган объектлар, яъни асосий воситаларга нисбатан сотиб олиш эҳтиёжларига тўлов қобилияти мос келмаганда пул даромадлари унинг тўлов қобилиятини шакллантирадиган вазиятда кераклидир. Корхона томонидан ушбу объектларни сотиб олиш эҳтиёжи уларни пул билан қоплаш имкониятларидан юқори. Бошқача қилиб айтганда, корхона томонидан ишлаб чиқариш ускуналарини сотиб олиш учун керакли бўлган жорий пул даромадлари ва ушбу ускуналарга мавжуд бўлган нисбатан юқори нархлар ўртасида узилиш мавжуд. Бир вақтнинг ўзида иқтисодий муносабатларда бўлган субъектларнинг айримларида эркин пул маблағларининг вақтинчалик ҳаракатланмаслиги кузатилади (молиявий-кредит институтлари, бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармалари, йирик корпорациялар ва бошқалар). Ушбу вазиятда, яқиний истеъмолчининг нуктаи-назаридан мавжуд бўлган зиддиятларнинг икки гуруҳини, яъни: корхонанинг жорий даромадларига нисбатан меҳнат қуролларига юқори баҳо мавжудлиги билан бир қаторда, иқтисодиёт субъектларининг бир гуруҳида пул маблағлари жамланганлиги ва улардан бошқа гуруҳда фойдаланиш мумкинлигини бир вақтнинг ўзида ҳал этувчи лизинг кредитининг пайдо бўлиши табиий ҳисобланади.

Лизинг кредити пайдо бўлиши учун ушбу асосланиш балки аниқ белгиланган объектга - яъни корхонанинг асосий воситаларига мақсадли тавсифга эга бўлган ва йўналтирилгандан истисно тариқасида, умуман банк кредити учун ҳам ўринли эканлигини тақозо этиш жоиз. Бироқ, лизинг кредити моҳиятига тушунча берувчи қуйидаги сабаб кредит назариясида фақат лизинг учун хосдир.

Лизинг кредити, шунингдек, асосий воситаларни ишлаб чиқарувчи нуктаи-назаридан ўз маҳсулотларини тўсқинликсиз сотилишини таъминлаш учун кераклидир. Бунда лизинг кредити ишлаб чиқариш ва асосий воситаларни сотиш ўртасидаги боғлиқлик ўзаро эканлигини қайд этиш лозим: ишлаб чиқариш фондлари товар айланишининг ошиши билан лизинг кредитининг ҳажми ошиб боради, чунки лизинг объектлари асосий воситаларга бўлган эҳтиёж лизингнинг ўзига нисбатан эҳтиёжни ҳам вужудга келтиради. Қайд этилган тобелик айниқса ривожланган мамлакатларда янада ҳам жипсроқ бўлиб қолди. Ҳозирги пайтда бозор товарлар билан жуда ҳам тўлган шароитларда ушбу мамлакатларда корхонага алоҳида қимматбаҳо ускуналарни фақат лизинг кредити бериш объекта, лизинг муддати, кредит фоизи, лизинг келишувини расмийлаштириш тартиби, лизинг кредитини бериш шартлари, уни қоплаш тартибидан иборат бўлган лизинг механизмидан фойдаланилган ҳолда сотиши мумкин.

Банкларда лизинг фаолиятига катта қизиқиш уйғонишини бир қатор афзалликлар асослаб беради:

- минтақада таъсир кўрсатиш соҳаси ва бажарувчи операциялар доирасини кенгайтириш;
- таваккалчилик мукофоти, лизинг маржасининг бир қисми ҳисобига капитал киритишнинг энг фойдали соҳаси;
- моддий ишлаб чиқариш соҳасини инвестициялаш ҳисобига ишончилиқни ошириш;
- лизинг операциясини инвестициялаш учун кредит беришда таваккалчиликларни минималлаштириш;
- лизинг берувчига тақдим этилувчи солиқ имтиёзлари банкларга бошқа фаолият турларидан олинувчи даромадларни яшириш имконини беради.
- Банкларнинг лизинг бизнесида иштирок этишида иккита асосий усул қўлланади:
- бевосита усул, бунда банк ўз структурасида махсус бўлим ёки мутахассислар гуруҳини яратиш йўли билан лизинг берувчи сифатида иштирок этади;
- билвосита усул, бунда банк мустақил лизинг компаниясини таъсис этади ва лизинг берувчининг кредитори сифатида иштирок этади.

Банклар ва лизинг берувчиларнинг ўзаро кредит муносабатлари турлича бўлиши мумкин. Банклар кафолатланган (мижознинг тўлов лаёқатини аниқлагандан сўнг ҳар бир операция учун алоҳида берилади ва муддати бўйича лизинг шартномаси муддати билан мос тушади) кредитлар ва кафолатланмаган (қарз олувчига берилувчи оддий банк кредитларини ифодаловчи) кредитларни тақдим этадилар. Лизинг компанияларининг сезиларли кредит эҳтиёжларини қондираётган экан, банклар лизингнинг муайян турлари ривожланиши ва миқёсига таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

Банк ва ижарачи ўртасида молиявий воситачининг мавжудлиги молиялаштиришнинг лизинг схемасини бевосита кредитлашдан фарқланишига сабаб бўлади, бироқ умум қабул қилинган кредитлаш амалиёти бу ерда тўлалигича сақланади. Бевосита банкдан қарз олувчи – лизинг фирмаси – лизинг олувчи ҳисобланади.

Мавжуд тажрибаларнинг кўрсатишича, республикада муваффақиятли фаолият кўрсатаётган лизинг компанияларининг асосий қисми кейинчалик уларнинг кредиторларига айланган йирик банклар иштирокида тузилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, лизингнинг кредит муносабатларини ривожлантириш ва лизингни банклар томонидан молиялаштириш жараёнларининг такомиллаштирилиши мамлакатимизда лизинг фаолиятининг самарадорлиги ошишига олиб келади.